

„ЗАНГОРИ КЕМА“ ЛАРГА ОҚ ЙҮЛ!

Бекобод районидаги „Победа“ колхози далаларида 34 машина пахта термоқда



БУТҶУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Колхоз пахта майдонларида „зангори кема“лар бетиним жавлон урмоқда.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 178 (3406).

Якшанба, 11 сентябрь 1966 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Бугун олтин куз сепи камалакнинг этти рангидай ал-ял товланиб турган қуёшли днримида, „оқ олтин“ ўлкаси жонажон республикасида қардош Болгария маданиятининг декадаси ўтказилмоқда. Элимиз азиз меҳмонларимиз олдинга пешвоз чиқиб, қўлнинг кўксига қўйиб, «Мархабо қон-қардошлар!» демоқдалар, қадимий улумимиз бўйича қарий-сурнайлар, днёр нозу неъматлари билан шодна кутиб олмақдалар.

Дўстлик меҳри, қардошлик қудратли қонининг абадий шамчироғи қуёшдан бекбес мунаввар ва саҳоватлидир. Асрлар синовида ўтган, жанг-у жадалларда тоблаган дўстлигимиз халқларимиз истибқилининг абадий йўли юлдузидир.

Халқимиз дўстлик қадрини ҳамма нарсасдан юксак қўяди. Тоғлардан баълаб, олтиндан тоза, пўлатдек мустаҳкам, бўлқойдай мусофиро, қуёшдай мунаввар нарсас дўстликдир деб айтилади элимизнинг ҳикмати сузида.

Кекса ва ҳаммаша навқирон Тошкент мамлакатимиз халқлари, шунингдек қардош социалистик мамлакатлар халқлари дўстлигининг улкан раман бўлиш ажойиб воқеалар гувоҳи бўлмоқда. Сўнгги йилларда ўзбек элида унинг жонажон пойтахти Тошкентда қардош республикалар адабиети ва санъати декадалари, музика ва кино фестиваллари ўтказилди. Мамлакатимизнинг атоқли сўз устаслари ва моҳир санъаткорлари республикамиз меҳнаткашларининг азиз меҳмони бўлишди. Бу декадалар ва фестиваллар ўзбек халқининг маданияти ҳақида катта воқеадир.

Мана бугун ўзбек эли қон-қардош Болгария Халқ Республикасининг атоқли маданият арбобларини ўз эрида муҳорак бод этмоқда. Декада қардош болгар халқининг улғу байрағи қўллариде бўлиб турганлиги билан ҳам қувонч устига қувонч келтирмоқда. 9 сентябрь — Болгария Халқ Республикасининг ташкил тоғлан кўни ва болгар халқининг энг катта байраминдир. Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош болгар халқи маданияти вакиллари шоду хушроқлик билан кутиб олар эканлар, уларни улғу миллий байрамлари билан яна бир бор муҳоракбод этмоқдалар.

Болгария жаҳоннинг энг қадимий мамлакатларидандир. Бу мамлакат ўз бошидан қўл азоб-қуқбатларни кечирган. Византия империяси, Туркия истилочилари бу мамлакат халқлари бошига чексиз қулфатлар келтирган. Болгария XIX асрнинг иккинчи ярмида рус солдатларининг қўмағи тўғрисида чет эл босқинчилари исканжа-сидан ҳалос бўлди. Биринчи жаҳон уруши йилларида немис-фашист босқинчилари беғи остида қолди. Лекин болгар халқи гитлерчи босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб борди. Совет халқи ва унинг жанговар қўшинларининг қардошлик ердими ва ўз Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида Болгария фашистлар асоратидан ҳалос бўлди. Жаҳонда мамлакат устида овоз-лик қуёли абадий бўлиди.

Халқ ҳоқимияти йилларида социалистик Болгариянинг экономикаси, фан ва маданияти

тез суръатлар билан равнақ топди.

Мамлакатнинг турли илмий марказларида фаннинг турли соҳаларида катта илмий ишлар олиб борилаётди. Санъат ва адабиёт арбобларининг ижодий ютуқлари ҳаммаи хурсанд этмоқда. Болгария ёзувчиларининг асарларини жаҳоннинг қўлғина мамлакатларида, шу жумладан бизнинг Ватанимизда ҳам севиб ўқийдилар. Болгар халқининг атоқли санъаткорлари Николай Гюров, Димитр Узунов ва Никола Николовларнинг номи бугун жаҳонда машҳур.

Болгар ва совет халқларининг дўстлиги қон-қардош меҳру муҳаббат билан мустаҳкамланган абадий дўстликдир. Ўзбекистон мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб, тобора кенг қанот ёзмоқда.

Болгария билан Ўзбекистон ўртасида ҳам яқиндан дўстлик алоқалари ўрнатилган. Тошкент билан Анджон областлари Болгариянинг Хасково ва Ямболов вилоятлари билан социалистик мусобақа боғлаганлар. Икки днрнинг икки области қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришиб, ўз дўстликларини ишлаб чиқаришдаги ютуқлари билан мустаҳкамламоқдалар.

Болгариядан Ўзбекистонга ва Ўзбекистондан Болгарияга фан ва маданият арбоблари келиб турибдилар. Икки днрнинг ижодий ходимлари мамлакат бўйлаб саҳнат қилиб, меҳнаткашлар билан учрашиб, янги асарлар яратишга киришмоқдалар. Истеъдодли болгар соҳиб қаламкашларидан Лилия Стефанова, Йордан Милевлар республикамизда меҳмон бўлишди, элимиз ҳақида ажойиб поэтик асарлар яратдилар. Шунингдек бир қанча ўзбек ёзувчилари ҳам Болгарияда бўлиб, бу туллар днёри ҳақида жўшқин тароналар биндилар.

Ўзбек халқи Болгарияда яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти декадасини икки днёр халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлигининг янги ёрқин ифодаси деб баҳолади. Республикаимиз маданият арбоблари вакиллари қардош Болгарияда ўн кун бўлиб, бу тўзал, ҳур ва бахтиёр мамлакат халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлга киритаётган ютуқларини қўлиб кўрдилар ва уларга ўзбек халқининг фан ва маданияти соҳасида эришяётган муваффақиятлари ҳақида сўзлаб бердилар. Болгарияда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданият декадаси икки қардош днёр халқларини бир-бирига тағин ҳам яқинлаштиришга хизмат қилди.

Мана бугун қардош болгар халқининг ижодий вакиллари бизнинг днримида меҳмон бўлиб турибдилар. Болгария маданияти декадаси ҳар икки халқ дўстлиги ва бир-бирини ўзаро маънавий бойитишининг янги ифодасидир.

Декада қўллариде днримииз бўйлаб болгар қўйлари музика ва поэзияси янграйди. Декада халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга шубҳасиз ёрдам беради. Халқимиз шоду хушроқлик билан ҳамма ерда пешвоз чиқиб: «Хуш келинсиз, азиз болгариялик дўстлар!» демоқдалар.

СОФИЯДА ТАНТАНАЛАР

СОФИЯ. (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси 9 сентябрда мамлакатда социалистик революция галабасининг 22 йиллигини нишонлади. Болгариянинг миллий байрами — Озодлик кўни муносабати билан республика пойтахти София 9 сентябрь майдонда София гарнизони қисмларининг ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намоийши бўлиб ўтди.

Георгий Димитров мавзолейининг трибунасида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Министрлар Советининг раиси Тодор Живков бошчилигидаги Болгария Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар бор эди.

Парад қабул қилувчи Халқ муҳофазаси министри армия генерали Добри Жүров парад учун саф тортиб турган қўшинларни айланб қўриқдан кейин нуқт сўзлади.

Қўшинларнинг парад босилари.

Соат 9 дан 45 минут ўтганида ҳарбий парад тамом бўлди. Меҳнаткашларнинг намоийшлари босилари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде суҳбат

Ўзбекистонда ўтказилаётган Болгария маданияти декадасининг Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ қўмитетининг раиси Цола Драгойчева бошчилигидаги қатнашчилари 10 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде қабул қилинди. Болгария Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги аъзиси Стоян Д. Каражов Болгария маданияти арбоблари билан бирга бўлди.

Самий дўстона суҳбат вақтида КПСС Марказий Комитети Спешал Бюроси аъзоллигида қатнашган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов меҳмонларга хўжалик ва маданий қўрилишда республика меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш истибқодлари тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Алимов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари қатнашдилар. (ТАЖ).

БОЛГАР ДЎСТЛАРИМИЗ КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

Кеча Санъат саройида қардош болгар адаблари яратган асарлар виставкасининг очилишига бағишланган иғилиш бўлди. Иғилишга Болгария маданият декадаси қатнашчилари келишди. Шунингдек пойтахт адаблари ва кўп сонли китобхоналар бу ерга келишди.

Болгария адабиети китоб виставкасининг очилишига бағишланган иғилиш Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот Давлат қўмитетининг раиси ўрқот З. И. Есенбоев очди. Ўрқот Есенбоев республика номирлари, адаблари ва китобхоналари номидан делегация қатнашчилари, азиз меҳ-

монларни қизгин табриқлади ва уларнинг ижодий ишларида катта муваффақиятлар тилади. Иғилишда республикамизнинг кекса адаби, Болгария пойтахти Софияни немис-фашист босқинчиларидан озод этиш жанглари қатнашчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Назир Сафаров тўқилиш нутқ сўзлади. У ўзининг уруш йилларида қардош Болгария халқи билан биргаликда жанг майдонларида бўлиб, душманга қарши курашганини ва болгар халқининг совет жангчиларига пўрсатган чексиз ҳурмат ва меҳрибонликларини, шунингдек совет ва болгар адаблари ўртасидаги ижо-

МАРДЛАР МАЙДОНДА

ана шундай ютуқлар эвазига қўлга киритган бу «Москвич».

Қўшбоқ бун ҳеч қутмагани Мусобақадорлари, механик-ҳайдовчилар у машинадан тушиб биланоқ қўлнинг қисиб қўлашарди. «Эшитдик, тўқсон процент бўпти, қойилмас дўстим!» эртага пилани тўздорлар-машин, балли оғайни». «Бу йил ҳам ўтган йилгидай улоқ сенда кетадиган бўлди», кесбодорларидан ана шундай самий гаплари эшитарди.

Мана, раис ҳосида бугунги ишпа яқун ясалшти, эртаги кўннинг режалари тўзилипти. теримнинг дастлабки қўнларида 12 машина ишлаган бўлса, бугун уларнинг соми 20 га етибди. Колхоз бўйича дастлабки кўни йиллик пиланинг икки ярим проценти миқдорида пахта тайерланган бўлса, бугун тўрт проценти қўнларибди. Демак, колхоз правлениеси, болмакоч партия ташкилоты активлар билан бамаслаҳат машина теримини бошлайверамиз, деб бир қарорга келишганда хато қилмаган эканлар.

Тўғри, ўша кезларда кўп оғиз эмасми, ўларича: «ҳали вақт эрта, чакки қилишти», дегувчи ҳадиксирганлар ҳам бўлди. Ўша ҳадиксирганлар йлларлари ҳам пилд ейишганди. Колхознинг бош агрономи Аҳмаджон Қодировнинг тавсисига кўра шира пайдо бўладан шимириб ҳузур тин олди. Кейин «Москвич» рулга ўтириб, колхоз правлениеси томон йўл олди. Меҳнат тағи роҳат деб мана шунингга айтадилар. Ўтган йили Қўшбоқдар зиевоси эллик гектар ерининг ҳар гектаридан ўттиз центнердан хирмон кўтаришди. Бир юз йигирма ўринга бир юз ўттиз тонна пахта машинлар ерда-мида териб олиди. Эришилган

баракат кетди» дегувчилар ҳам бўлди. Пўқ жуда пўхта ўйлаб тажрибаларга суялиб, тадбиркорлик билан қилинган эди бу иш. Пахтанинг пилд 47—27 Ф эмасми, ҳосиди эрта етилган. Ахир ким ўз тегиригига ўзи сув қўяр экан. Ҳосилнинг деярлик 60—65 проценти чаман очилганда самолётлар учди. Дефляция 7 сентябрдак тамомланди. Қарабисини, барча зиеволарда пахта олдинмакейин теримга етилиб беряпти. Машиналарнинг гуруппаларга бўлиниб, жавлон уришга имконият туғилапти.

Биринчи участкада ҳам пахта қийғос очилди, — деди ниҳоят раис Эгамназар Ҳатамов, — эртага ўттизтўрта машинанинг ҳаммасини ишпа тушпамиз. — у мамун ҳолда Қўшбоққа юзланди, — сенда учта машина қолса бўлади. Болгани ҳам ўша участкага ўтсин. Ҳар бир машинада тўрт тоннадан терганинда ҳам пилд сенки. Иккинчи теримни бошлаганинда яна катта куч берамиз.

Қўшбоқ ўзим бўлай, дейдиганлардан эмас. Ахир кеча мусобақадор Омон Мамавазоров зиевосида машиналар жуда унумли ишлаганини, бир кунда йиллик пиланинг тўрт проценти дўндириб қўйилганлигини эшитганида қанчалар хурсанд бўлди у.

Жуда тўғри гап, — деди Қўшбоқ, — эртадан кейин мен ҳам машинами қўшни зиевога олиб ўтаман. Ўзимизда иккинчи терим бошланганча ўн беш—йигирма тонна териб берарман.

Йигилганлар Қўшбоқнинг бу сўзларини эшитганларида «балли, иш деган мана бундай бўпти» деб қўйишди. Йигилиш қисқа бўлди. Анқ топириқлар берилди. Ўттиз тўрт маши-

на ишласа эртага беш-олти процентдан кам бўлмайди, деган фикрга келишди.

Эртаси кўни қуёш найза бўйи кўтарилганда, субҳидам шудринглари шу қуёш ҳарорати билан кўтарилганда пахта майдонларида «зангори кема»лар ҳайқирғи парвоз қила бошлади. «Пўлат от» суворийлари жавлонларини маҳкам ўшлаб, белларини маҳкам боғлаб курашга тушдилар. Гуруппаларга бўлиниб, зиеволарда олтидан — еттидан жавлон ураётган терим машиналари гўё «оқ олтин» денгизда сузаётган қудратли елкаларга ўхшарди. Шиндиллар олтин қўнларини дамба тортиб, бункерларга момиқ пахта қордай ёғиларди. Пойтанинг суворинини манзилга биринчи бўлиб элтаётган, гектаридан ўттиз беш центнер учун курашяётган — Қўшбоқ, Эгамбердиев, унинг сардошлари Карим Холжитов, Қўниш Жўраев, Қўшбоқ Абдувалиев, Омон Мамавазоров ва бошқа ўшлаб пахта-зор лочилари жасорат билан олға қитилишарди.

Колхоз дехонлари ўтган йили ҳам йиллик пилани ортиги билан бажарганлар. «Қолоқ хўжалик» деган сўзга барҳам бериларди. Минг тоннадан ортиқ пахта «зангори кема»лар бункерлардан тўзилган. Бу йил-чи? Ҳарнат ўзгача, мақсад, тайрат-шиноат ўзгача. 1420 гектар ерининг ҳар гектаридан Бекобод ерлари шаронтида Янгирма беш центнердан хирмон кўтаришга бел боғлашган. Янги ҳосилнинг олтинмиш беш проценти машиналарда терилди. Ана шу аҳди паймонинг улдасидан чиқши учун курашга катта улғу қўшаётган, ҳозирнинг ўзидак колхоз бўйича йиллик пиланинг ўн беш проценти миқдориде пахта тайерланганини таъминлаган кишилар — «Пўлат от» суворийлари, Қўшбоқ ва унинг қаҳрамон сардошлариди.

«Пўлат от»ларга қамчи босган суворийлар, сизларга зафар ер бўлсин!

Усмон ЖОНГИТОВ.
Бекобод, «Победа» колхози.



Бош агроном (чапдан) А. Қодиров механик-ҳайдовчилар — Р. Мавлонов, Қ. Эгамбердиев, К. Холжитов, Қ. Жўраев, Қ. Абдувалиев ўрқотлар билан янги режалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ВА
ГҲЗАЛЛАРИ ДЕФОЛИАЦИЯ
ҚИЛИНИШИНИ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент
ҳисобида)

Районлар	Маъсуми дан бўли терим	Дефляция қилиш
Бекобод	214	41.9
Янгийўл	1.92	42.5
Бўна	1.00	70.6
Эрта Чирчиқ	0.86	94.6
Юзюрт Чирчиқ	0.56	64.2
Оқўрғон	—	112.3
Қалинчи	—	—
Орқонқизда	—	2.5
Область бўйича	1.03	71.1

